

Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 23-OKTABR, PAYSHANBA, 126 (8363)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



ЎзА сурати.

САҲИФАЛАРДА:

САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Сеўда бўлиб ўтган
илмий-амалий давра
суҳбати ана шу мавзуга
бағишланди




ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАР

Пойтахтимиздаги
“ЎзэкспоМарказ”да
“Марказий Осиё саноат
ҳафталиги – Central
Asian Industrial
Week – 2014” халқаро
тармоқлараро форуми
бўлиб ўтмоқда



ҚАДИМИЙ ГЎШАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Истиқлол йилларида
Пискент тумани
тараққиётнинг оидин
йўлидан шаҳдам қадам
ташламоқда



КЎҲНА ҚАЛЪА МАҲОБАТИ

Қалъажик қалъаси
ўтмишда Кардаронхос деб
юртилган. Бў ном
“Ҳунармандлар шаҳри”
деган маънони англатган.



ОБУНА — 2015

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлардан, халқимизнинг бой маънавий мероси, анъаналари ва қадриятларини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан изчил хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми?

Аграр соҳадаги қимматли тажрибалар, фидойи инсонларнинг ажойиб меҳнат муваффақиятлари, фан-техника, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида билишни истайсизми?

Сизни хориж деҳқончилигидаги ўзгаришлар қизиқтирадими?

2015 йил учун “Qishloq hayoti” газетасига обуна бўлсангиз, юқорида таъкидланган мавзулар билан доимий равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Обуна газета таҳририяти, обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144



САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Яқинда Сеулда бўлиб ўтган илмий-амалий давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Ушбу тадбир мамлакатимизнинг Сеулдаги элчихонаси томонидан Жанубий Кореянинг “Ипак йўли фонди” ва Ханянг Университети ҳузуридаги Осие-Тинч океани минтақаси тадқиқотлари маркази билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди. Илмий-амалий давра суҳбатида Жанубий Корея экспертлари ва мутахассислари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси вакиллари билан иборат мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан мамлакатимиз сайлов тизимининг ривожланиши масалаларининг муҳокама-си мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Тадбирда қайд этилганидек, мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон сайлов тизими босқичма-босқич ва изчил ислох қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда жамият қурилишининг муҳим масалалари ҳал қилинишида фуқаролар ва сиёсий партияларнинг эркин ва фаол иштирок этишлари учун ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техникавий шарт-шароитларни яратиш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Давра суҳбатида мамлакатимиз сайлов тизими ривожланишининг асосий босқичлари ҳақида сўз юритилар экан, унинг асосий тамойиллари кўп партиявийлик, муқобиллик, демократия, сайловларнинг ошкоралиги ва шаффофлигидан иборат эканлиги қайд этилди. Жанубий Кореялик мутахассислар профессионал асосда иш олиб бораётган икки палатали парламент фаолияти ҳамда мамлакат раҳбариятининг атроф-муҳит муҳофазаси масалаларига катта эътибор қаратаётганининг тасдиғи бўлган Экологик ҳаракат вакиллари қонунчилик органида ажратилган ўринлар диққатга молик эканлигини таъкидладилар.

Ханянг Университети ҳузу-

ридаги Осие-Тинч океани минтақаси тадқиқотлари марказининг профессори Ом Гу Хо тадбир иштирокчилари олдида сўзга чиқиб, Ўзбекистонда сиёсий модернизациялаш ва сайлов тизimini ривожлантириш ўз вақтида амалга оширилаётганини қайд этди. Шу муносабат билан, олим ҳукуматнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг бош ислохотчиси сифатида муҳим ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлади.

Корея Халқро муносабатлар бўйича кенгаши раиси Чунг Тай Ика фикр билдирганидек, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, давлат ҳокимиятини такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини мустақамлаш масалалари доимий равишда Ўзбекистон раҳбариятининг диққат марказидан жой олган.

— Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва унинг турмуш даражасини юксалтиришга катта аҳамият берилаётган, — деди у. — Ҳар томонлама ва чуқур ўйланган сиёсат туфайли республикада мустақам тинчлик барқарордирки, бу келажакда ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳамда муваффақиятли ижтимоий-сиёсий ислохотлар бардавомлигининг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Осие-Тинч океани минтақаси тадқиқотлари марказининг профессори Канг Бон Гу Ўзбекистондаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб органи — маҳалла институтининг жорий йил декабрда-

ги сайловларда тутадиган муҳим ўрнига алоҳида эътибор қаратди. “Қонунчилик органи ва маҳалла институти парламентда ҳамда жойларда халқнинг хоши-иродасини ифода этгани ҳолда улар уйғун равишда бир-бирини тўлдирди”, деди эксперт.

Ўзбекистон делегациясининг Сеулга сафари доирасида **Корея Республикаси давлат қонунчилиги вазири Же Жонг Бу** билан бўлиб ўтган учрашув чоғида Жанубий Корея томони республикаимизнинг сайлов соҳасидаги қонунчилиги тараққиётининг жараёнлари билан яқиндан танишди. Ўзбекистон парламентидаги аёл депутатларнинг сони қонунчиликда белгилаб қўйилганлиги давра суҳбати иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Вазирнинг фикрича, бу ҳолат гендер тенглигини таъминлашнинг амалдаги тасдиғи ҳисобланади.

Корея Республикаси Миллий сайлов комиссиясида мамлакатимиз делегацияси аъзоларининг Хуқуқ департаменти бош директори Пак Се Гак билан учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ўртадаги жўғрофий масофа катта бўлишига қарамай, Жанубий Корея ва Ўзбекистон турли мамлакатлар ва халқлар ўртасида бой маданий мерослар алмашувининг кўприги сифатида хизмат қилган Буюк Ипак йўли даврига бориб тақаладиган ўзаро ҳамкорлик тарихига эга эканлиги алоҳида қайд этилди.

Томонлар бугунги кунда икки мамлакат сайлов комиссиялари ўртасида конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳамда сайлов соҳасида ўзаро тажриба алмашишга йўналтирилган ташир ва учрашувларнинг сони тобора ортиб бораётганини таъкидлашди.

Пак Се Гак Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан ҳаётга тадбиқ этилаётган чора-тадбирларни ижобий баҳолади.

— Мамлакатда демократия



талабларига жавоб берадиган замонавий сайлов тизими яратилган, кўппартиявийлик, муқобиллик, демократия, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига риоя этилишини таъминлайдиган, халқро меъёрларга мувофиқ равишда сайлов қонунчилиги шаклланди, — деди у.

Шунингдек, **Жанубий Корея Миллий Ассамблеяси Тадқиқотлар хизматининг директори Им Сонг Хо** билан ҳам музокаралар бўлиб ўтди. Учрашув чоғида Жанубий Корея томони Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ўзаро ҳамкорлик ижобий самара бераётганини қайд этди. Хусусан, ўтган йили Жанубий Корея Миллий Ассамблеяси Тадқиқотлар хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми доирасида икки томонлама муносабатлар тобора ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, Корея Республикасида бўлиб ўтган илмий-амалий давра суҳбати ва учрашувларнинг натижалари мазкур мамлакат экспертлари ҳамда жамоатчилигида республикаимиз сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида ҳаётга тадбиқ этилаётган туб ислохотларга нисбатан қизиқиш катта эканлигини кўрсатди.

“Жаҳон” АА

Сеул

Пойтахтимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган давра суҳбати таъкидланганидек, кейинги йилларда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, соҳада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини давр талаби даражасига кўтариш, соҳа ходимларининг нуфузини юксалтириш, уларни рағбатлантиришга эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ишларда, одамларнинг онгу тафаккурида бўлаётган ўзгаришларда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг муносиб ўрни бор. Айни пайтда ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган юзга яқин оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда.

Давра суҳбатида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳуқуқий мавзунини ёритадиган журналистларнинг касб маҳорати муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан журналистларнинг ҳуқуқий маданияти ва билимини ошириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда бир қатор семинарлар ташкил этилмоқда. Ҳуқуқий соҳада ижод қилаётган журналистларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбир иштирокчилари оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини қайд этишди.

Дурдона МУХТОРОВА

АМАЛИЙ ИШЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ҳисобот конференцияси ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашиларига бўлиб ўтадиган сайловлар жараёнида партия томонидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалари хусусида сўз борди.

Жумладан, 2009-2014 йилларда О‘зЛиДеР Тошкент шаҳар Кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари 820 тадан 1070 тага, аъзолар сони эса 20000 нафардан 37200 нафарга етганлиги таъкидланди. Шундан 19000 нафари хусусий сектор вакиллари, яъни тадбиркорлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларига тўғри келаётган.

Тадбирда партиянинг бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий-эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, жамиятнинг интеллектуал тараққиётидаги устувор йўналишлар бўйича қилинган ишлар ҳақида сўз юритилди.

2010-2014 йилларда партия электорати билан ишлаш йўналишида 925 та семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Ўтказилган тадбирларда 20 мингдан

зиёд тадбиркорлар фаол қатнашди ва 2500 нафар тадбиркорга кредит олишда кўмак берилди.

Хусусан, “Мулқдор оила – 2014” партиявий лойиҳасида Тошкент шаҳрида ўтган йилларга қараганда кўпроқ, яъни 1293 нафар талабгор иштирок этиб, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини оширди. Тақдимотларда 100 нафар иштирокчининг умумий қиймати 1 миллиард сўмлик бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Шундан лойиҳанинг 58 нафар иштирокчисига 570 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 600 нафардан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди.

Бундан ташқари, О‘зЛиДеР Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан бирга иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка кенг

жалб этиш борасида 867 та тадбир, давра суҳбати, учрашув, семинар ва танловлар ўтказилди. Масалан, “Диплом билан бизнесга”, “Ишбилармон талаба”, “Мулқдор оила” каби лойиҳаларнинг аҳамияти катта бўлди. “Диплом билан бизнесга” лойиҳаси асосида 80 дан ортиқ талаба имтиёзли кредит олиш кафолатини берувчи банк сертификатларини қўлга киритди. 65 нафар ёшлар банклардан кредит маблағлари олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Натижада 130 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Юртимизда аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида 1300 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Шу билан бирга, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш доирасида 40 мартаба тиббий кўриклар ташкил этилиб, уларда 20000 нафар хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тадбир сўнггида амалга оширилган ишлар билан бирга, 2014 йил декабрда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш масаласига, партиянинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

О.ОЧИЛОВ

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАР

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да “Марказий Осиё саноат ҳафталиги – Central Asian Industrial Week – 2014” халқаро тармоқлараро форуми бўлиб ўтмоқда.



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



Ушбу тадбирда саноатнинг етакчи тармоқлари – кон-металлургия, машинасозлик ва металл қайта ишлаш, йўлсозлик, кимё ва пластмасса саноати, шунингдек, полиграфия ва қадоқлаш ускуналари имкониятлари намойиш этилмоқда.

Саноат ҳафталиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, “Ўзавтойўл”, “Ўзкимёсаноат” компаниялари ҳамкорлигида “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимиз саноатни ривожлантириш борасида катта имкониятларга эга. Ўзбекистонда саноатнинг деярли барча тармоқлари фаолият юрताди. Қолаверса, фақатгина юртимизда ривожланган саноат тармоқлари ҳам мавжуд. Бугунги кунда Марказий Осиё машинасозлик маҳсулотларининг тўртдан уч қисми Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади.

Саноатни ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида кейинги йилларда ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши ортиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга ошди. Саноат тармоқларини, йўл-транспорт ва коммуникация инфраструктурасини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш юзасидан фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши нати-

жасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 10,7 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестицияларни ўзлаштириш – 22,3 фоизга ўсди. Ўтган даврда 2715 та янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди, юқори технологик ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 105 та муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди. Жумладан, 700 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Жиззах вилоятида портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, ишлаб чиқаришни 716 минг тоннагача кўпайтирган ҳолда “Фосфорит хомашёсини бойитиш бўйича мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш”, Хоразм вилоятида 80 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Енгил автомобилларнинг “Дамас” ва “Орландо” моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” сингари лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Марказий Осиё саноат ҳафталиги каби тадбирлар юртимизга инвестицияларни жалб этиш, халқаро ва ички иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, саноат салоҳиятини ошириш ҳамда соҳада амалга оширилаётган модернизация жараёнини тезлаштириш, соҳани техник воситалар, замонавий технологиялар билан тўлдиришга кўмак беради.

Форум давомида бўлиб ўтаётган “Тоғ-кон иши – Mining World Uzbekistan – 2014”,

“Кимё саноати – Chemie Uzbekistan – 2014”, “Полиграфия ва қадоқлаш – Uzbekinprint-UzuUruk – 2014”, “Пластмассалар индустрияси – Plastex Uzbekistan – 2014”, “Машинасозлик – Machinery Central Asia – 2014”, “Йўл қурилиши ва махсус техника – UzComak – 2014” конференциялари ва тақдимотлари соҳадаги энг сўнгги янгиликлар, илғор тажрибалар ва технологиялар билан танишиш имкониятини яратмоқда.

Саноат ҳафталигининг бирлашган экспозицияда дунёнинг 18 мамлакатидан 100 дан ортқ компаниялар иштирок этмоқда. Уларнинг 35 таси жорий йилги тадбирда илк маротаба иштирок этишди. Бу шуни кўрсатадики, мазкур тадбирга қизиқувчилар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Саноат ҳафталигининг энг муҳим кўргазмаларидан бири – “MiningWorld Uzbekistan – 2014”да кон бозорида жаҳонга танилган пешқадам компанияларнинг ускуна ва техника воситаларини намойиш этмоқда. Улар орасида тоғ-кон, саралаш, майдалаш, бурғилаш, геология соҳасида фойдаланиладиган технологиялар бор. Кўргазма иштирокчилари кон иши ва қазिश амалиётида қўлланиладиган энг янги, замонавий ускуналар билан танишиш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятига эга бўлишмоқда. Хусусан, улар Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг универсал уч кординатли чилангарлик ускунаси фаолияти билан танишиш

имконига эга бўлмоқдалар. Шунингдек, кўргазма қатнашчилари қатрон қуюш, қоғоз-мой изоляцияси учун вакуумли тизимлар, насос агрегатлари, автобетон қориштиргичлар каби технологияларни етказиб берувчиларнинг хизматлари билан танишмоқдалар.

– Бизнинг корхонамиз тоғ-кон, машинасозлик ва йўлсозлик техникалари ишлаб чиқаради, – дейди Шанхай машинасозлик компанияси вице-президенти Чжиуян Сию. – Мазкур тадбирда бизнинг техникаларга талаб ошаётганини, бу эса ўз навбатида, Марказий Осиёда ушбу соҳаларда ривожланиш суръати ўсиб бораётганини кўрсатади. Саноат ҳафталиги биз учун ҳамкорликни янада кенгайтириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Ўзбекистон миллий автомагистрало таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича қарийб 720 миллиард сўм ўзлаштирилди. Амалга оширилган ишларда замонавий технологиялардан фойдаланиш амалиёти муҳим аҳамият касб этди. “UzComak – 2014” экспозицияси ана шу жараёнда фаол иштирок этаётган ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар манфаатини бирлаштирган муҳим тадбирлардан бирига айланди. Унда йўлсозлар замонавий техникалар билан танишишди, муҳим масалаларнинг мақбул ечимларини излашди, келгусидаги режаларини амалга оширишда зарур бўладиган техникаларни

олиш бўйича келишувларга эришилди.

“Chemie Uzbekistan – 2014” ва “Plastex Uzbekistan – 2014” халқаро кўргазмаларида кимё саноати учун хомашё, материаллар, пластмасса ва каучук ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ускуналари, техника ва технологиялар ҳамда бошқа экспонатлар намойиш этиляпти. Уларга жаҳоннинг етакчи компаниялари қизиқиши катталиги соҳада ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжудлиги ҳамда кенг инвестицион жозибадорлик юқори эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлган кимё саноати ва пластмасса индустриясида ҳам муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда. “Ўзкимёсаноат” ДАК томонидан 2019 йилгача бўлган даврда 14 та йирик лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда. Табиийки, бу жараёнда замонавий технологиялар ва соҳадаги мақбул ечимлар зарур бўлади. Мазкур тадбир ушбу лойиҳаларни амалга оширишда кўмакчи вазифасини ўташи билан муҳимдир.

Айни пайтда қадоқлаш, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш, соҳага инновацион технологияларни жалб этиш саноатнинг ажралмас қисмига айланган. Буни “Полиграфия ва қадоқлаш – Uzbekinprint-UzuUruk – 2014”нинг қизгин иш фаолияти ва иштирокчиларнинг фикр мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

– Турли хилдаги полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз, – дейди кўргазма иштирокчиси “Иззатилла принт” корхонаси раҳбари Иззатилла Саломуллаев. – Бизнинг соҳада замонавий технологияларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Шу боис, бу каби тадбирлар замонавий технологиялар, ишланмалар ва хорж тажрибаси билан яқиндан танишиш, янги ҳамкорлар топишда қўл келади.

Сирасини айтганда, Марказий Осиё саноат ҳафталиги соҳада ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига хизмат қилади.

Камола МУСАЕВА

ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР СОҒЛОМЛАШМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада оширишга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан айнан мазкур йўналишларга шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида 6,7 триллион сўм миқдоридан инвестицион кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 баробар кўпдир.

Қайд этилдики, сўнгги олти йил ичида тижорат банклари иқтисодий ноचор корхоналарни тиклаш ва модернизация қилиш ҳамда улар негизда замонавий янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишларини тизимли равишда амалга оширмоқда.

Айни пайтда тижорат банклари балансида жами 173 та иқтисодий ноचор корхоналар қабул қилинган бўлиб, ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида уларга тижорат банкларининг 588,8 миллиард сўм миқдоридан тўғридан-тўғри инвестициялари йўналтирилди.

Банклар кўмагида банкрот корхоналар негизда 100 дан ортқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини

ташкил этишга имкон яратилди. Ушбу тикланган корхоналарда турли хил истеъмол ва маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса ички бозорни тўлдиришга, салмоқли қисмининг экспортга йўналтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида банклар томонидан корхоналарда тўғри йўлга қўйилган бошқарув туфайли жами 2,8 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шундан 780 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Энг муҳими, корхоналарда 21 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Анжуманда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг инвестиция

фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти директори Рустам Райимжонов йирик инвестиция банкининг ушбу йўналишда олиб бораётган ишлари ҳақида маълумот берди.


– Банкларимиз бошқа банклардан кўпроқ, яъни 68 та корхона ўз балансида олган, – дейди у. – Уларнинг 35 таси янги соҳибларига сотилди. 31 корхона базасида шўъба корхоналар ташкил этилиб, уларнинг барчасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, “City Palace New” меҳмонхона комплексини бошқариш мамлакатимиз раҳбари қарори билан Жанубий Кореянинг “Hotel Lotte Co. Ltd” компанияси ихтиёрига топширилди. Бир неча йил олдин ушбу меҳмонхона ниҳоятда хароб ҳолга келиб қолган эди. Ўз вақтида киритилган инвестиция туфайли меҳмонхона тез орада ишга туширилди. Айни пайтда меҳмонхона жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу кунларда барча шўъба корхоналарда реконструкциялаш, техник ва тех-

нологик янгилаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар ишлаб чиқилган бизнес-режа ва график асосида олиб борилмоқда.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан айнан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 986,3 миллиард сўм миқдоридан кредитлар ажратилди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 баробарга ўсиши таъминланди.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича олиб бораётган самарали ишлари натижасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланган 131 та корхона янги инвесторларга сотилди. Шу билан бирга, тижорат банклари балансида қолган 42 та корхонанинг 37 тасида ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу корхоналарни янги инвесторларга сотиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Озод ОЧИЛОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.


 Фарғона Вилояти

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИ

ДАРОМАДНИНГ МУҲИМ ИРМОҒИ

Фурқат туманидаги “Фурқат Оқтом келажаги” фермер хўжалигининг тармоқлари кўпайиб, йил сайин иқтисодий кўрсаткичлари яхшила-ниб бормоқда. Омилкорлик билан иш юрити-лиши натижасида экинлардан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Айни пайтда хўжалик аъзо-лари мўл пахта ҳосилини йи-ғиштириб олишди. Хар гек-тар ердан 40 центнердан оши-риб ҳосил олинди. Фалла ҳосил-ни ҳам мўл бўлди. Қабул мас-кани билан тузилган шартно-ма шартлари ортиғи билан ба-жарилиб, фермер ва ишчилар-нинг омборлари донга тўлди. Юқори ҳосилдорлик эса, ўз навбатида, бошқа тармоқлар ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фермер хўжалигининг чор-вачилик тармоғи катта даромад яратмоқда. Айниқса, чорва на-слини яхшилашга қаратилаётган эътибор ўзининг ёрқин самар-ларини бермоқда.

– Бундан уч ой олдин хўжа-

лигимизга хориждан 12 бош насли мол келтирилганди, – дейди фермер Қаҳрамонжон Сиддиқов. – Айни пайтда улар иқлимимизга мослашиб бўлди. Насли мол парвариши ниҳоятда зийракликни талаб эта-ди. Соғломлиги, ҳарорат, озуқа рационига жиддий эъти-бор бериш лозим. Насли мол-ларимиз ноябрь ойида тўла бузоқлаб бўлади. Уларнинг яна бир афзал жиҳати маҳсулдор-лигидир. Дейлик, жайдари молларимиз кунига 15 литр-гача сут берса, насли мол-лар 30 литргача сут беради. Бу чорвачиликда муҳим тамо-йил — сон эмас, сифат муҳим-лигини кўрсатади. Моллари-мизнинг наслини босқичма-



Фермер Қаҳрамонжон Сиддиқов ҳамда Фурқат тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими чорвачилик мутахассиси Адҳамжон Тўйчиев.

босқич яхшилаб боришни мақ-сад қилганмиз.

Чорвадорлар “сигирнинг сути тилида” деб айтишади. Фермер хўжалигида айни шу омилга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Молбоқарлар Ан-варжон Ҳасанов, Адҳамжон Олимов, Соҳибжон Эргашев-лар чорва маҳсулдорлигини ошириш учун, биринчи нав-батда, озуқа захирасини мус-таҳкамлаш катта аҳамиятга эга-лигини яхши билишади. Хўжа-ликда қиш мавсуми учун 50 тонна сомон, 20 тонна беда пичани, 10 тонна похол, 25 тонна кўк масса жамғарилиб-

ди. Бундан ташқари, етарли микдорда омихта ем, кунжара ва шелуха тайёрлаш чора-тад-бирлари кўриляпти.

– Бугун туманимизда Қаҳ-рамонжон сингари илғор фер-мерлар, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётган тадбир-корлар кўп, – дейди Фурқат тумани қишлоқ ва сув хўжа-лиги бўлими чорвачилик му-тахассиси Адҳамжон Тўйчиев. – Биргина чорва наслини ях-шилаш борасида олиб бори-лаётган ишларни олайлик. Ўтган йили хориждан 110 бош зотли ғунажин олиб келинган эди. Фермерларимизнинг

сай-ҳаракати билан жорий йилнинг май ойида тумани-мизга 65 бош насли мол келтирилди. Ҳозирда улар-нинг 40 фоизи насл берди. Зотли сигирларнинг ҳар бири 30 литрдан ошириб сут бер-моқда. Умуман олганда, тумани-мизда сут етиштириш ҳажми олдинги йилларга нис-батан анча ошди. Чорва на-слини яхшилашда “Жаноб ЖЖК”, “Камронбек Ҳасанбой орзуси” каби фермер хўжа-ликларида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

○ Эълонлар

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ «ЧИРОҚЧИ ДЕҲҚОН (ОЗИҚ-ОВҚАТ) БОЗОРИ» МЧЖ ҚҲИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Қашқадарё вилоти Чироқчи тумани Хонжон кўчаси-даги «Чироқчи деҳқон (озик-овқат) бозори»ни реконст-рукция қилиш (II этап).

Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан 1.557.006.859 сўм, ҚҚСсиз 1.297.505.716 сўм. Қурилиш муддати – 6 ой.

Қурилиш ишларини молиялаштириш – ҳомийлик маб-лағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: “Чироқчи деҳқон (озик-овқат) бозори” МЧЖ.
Манзили: Қашқадарё вилоти Чироқчи тумани Хонжон кўча-си. Тел.: (0-375) 562-27-55.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар ку-йидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фо-изи микдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтил-ган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хиз-матлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва тех-никавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколат-ларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қури-лиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлақати-миз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференцияла-ри кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифла-рини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан иш-лар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бундан им-порт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғи-дан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи сум-масига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – «Давархитектку-рилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши шаҳар Хонобод шоссеси кўчаси 46А-уй. Телефон/факс: (0-375) 224-05-24, 224-18-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 90 000 сўм.
Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш-нинг охириги муддати – офёрталар очилиши куну ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этил-ган кундан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачи манзилида ўтказилади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚҲИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. “Шахрисабз туманидаги “Хужум” фабрикасининг ишлаб чиқариш биноси-ни капитал таъмирлаш”.

Бошланғич баҳоси: ҚҚС билан 282.085.640 сўм, ҚҚСсиз 235.071.367 сўм.
Қурилиши тугаллаш муддати – 4 ой.

Буюртмачи: Қашқадарё вилоти ҳокимли-ги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Қарши шаҳри «Ўзбекистон ово-зи» газетаси кўчаси 3-уй. Телефон: (0-375) 227-18-51, 227-13-51.

Қурилиш ишларини молиялаштириш – Қашқадарё вилоти Шахрисабз тумани Банд-ликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий му-ҳофаза қилиш бўлими жамғармаси маблағла-ри ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлашти-рилган капитал қўйилмалар ҳисобига молия-лаштириладиган объектларда қурилиш-мон-таж ишларини амалга ошириш учун ўткази-ладиган танлов савдоларига фақат “Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестри”га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишла-рига рухсат берилади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича капитал таъмирланадиган объектларда кичик бизнес субъектлари квотаси 100 фоизни ташкил этади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун та-лабгорлар қуйидаги шартларга: танлов сав-долари предметининг 20 фоизи микдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассис-

ларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва тех-никавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – му-омала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таж-рибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фир-малари иштирок этганда, уларнинг тан-лов таклифлари баҳоланганда мамлақати-миз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: тан-лов иштирокчиларининг таклифларини ба-ҳолаш жараёнида танлов таклифларида чет-дан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бундан импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғи-дан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблан-ган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо таш-килотчиси – «Давархитектқурилиш» кўми-тасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё ви-лояти ҳудудий консалтинг марказига қуйи-даги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши ш. Хонобод шоссеси кўчаси 46А-уй. Тел/факс: (0-375) 224-05-24, 224-18-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 90000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилот-чисига тақдим этишининг охириги муддати – офёрталар очилиши куну ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон мат-буотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда «Ўзбекистон ово-зи» газетаси кўчаси 3-уйда ўтказилади.

Утерянную круглую печать выданную на ООО «ATEX-ENGINEERING», считать недействительной.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридида ТСРҲИ томо-нидан рўйхатга олинган «NUR POLIGRAF» МЧЖнинг (ИНН 207091431) ташкилий-ҳуқуқий шакли «NUR POLIGRAF» хусусий корхонасига ўзгаририлди.

Утерянные домовую книгу и план дома расположенного по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н ул. 2-Гулистон д. 31 вы-данных БТИ Учтепинского р-на на имя Садыкова Джуробой Миралиевича, считать недействительными.

Утерянную справку № 6363 от 08.09.2014 г. на жилой дом по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н м-в Спутник кв-л 12 д. 63 выданную кадастровой службой Сергелийского р-на на имя Зин-ченко Александра Владимировича, считать недействительной.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРҲИда (реестр № 007730-08, 05.03.2012 й.) давлат рўйхатидан ўтган «READY WORK» МСНҲ (СТИР 302224383) 22.10.2014 й.даги таъсисчиларнинг 5-сонли баённомасига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 987-44-11. Манзил: Чилонзор т. Гавҳар кўч. 151-уй.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЖИЗЗАХ НЕФТ БАЗАСИ» УНИТАР КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ № 33:

Лот № 1-1. «Жиззах шаҳридаги «Жиззах нефт базаси» унитар корхонасининг маъмурий биносини реконструкция қилиш».

Бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 354,641 млн. сўм, ҚҚС билан 425,569 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати:** 2014 йил 30 декабр гача.

Лот № 1-2. «Жиззах вилояти Фориш тумани «Жиззах нефт базаси» унитар корхонаси Фориш филиали ҳудудини ўраб турувчи деворни реконструкция қилиш».

Бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 347,168 млн. сўм, ҚҚС билан 416,602 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати:** 2014 йил 30 декабр гача.

Молиялаштириш буюртмачининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри «А» sanoat ҳудуди. Телефон: (0-372) 221-02-23. Факс: 221-02-24.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат қурилиш-пудрат

ташкilotлари Реестрига киритилган ташкilotлар иштирок этишларига руҳсат берилади. Бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобига молиялаштириладиган объектлар бўйича танлов савдоларида қурилиш-пудрат ташкilotлари Реестрига киритилган ташкilotлар иштирок этишлари тавсия этилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкilotлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридagi айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкilotлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг

танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўронома билан танлов савдоси ташкilotчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкilotчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкilotчисига тақдим этишнинг охириги муддати – офёрталар очириш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри «А» sanoat ҳудуди («Жиззах нефт базаси» УК биноси), мажлислар зали.

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.



Гарантия **Лизинг**

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

Тел.: (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь



Тел.: (99895) 199-31-66, (99893) 504-58-09

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

«TURKISTAN REALTOR GROUP» МЧЖ ҚОНЛИҚҲА ТУМАНИ ФИЛИАЛИ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДАТИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдога Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 119-п-сонли аукцион савдосига қайта чиқариш ҳақидаги буйруғи ва Қўнғирот тумани ҳокимининг 2014 йил 24 июндаги 314/6-сонли қарорига асосан Қўнғирот шаҳридан 13 (ўн уч) дона ер участкаси қўйилади:

– Қўнғирот шаҳри «Туркистон» МФЙ № 16 кварталидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 11, 12, 13, 16-сонли ер участкалари. **Бошлангич баҳоси 53 640 сўм.**

– Қўнғирот шаҳри «Алтинкол» посёлкаси Бердақ номли МФЙ ҳудуди № 6 кварталидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 7, 8, 9, 11-сонли ер участкалари. **Бошлангич баҳоси 49 200 сўм.**

– Қўнғирот шаҳри «Алтинкол» посёлкаси Бердақ номли МФЙ ҳудуди № 9 кварталидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 4, 7, 8, 9, 15-сонли ер участкалари. **Бошлангич баҳоси 49 200 сўм.**

Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар:

– **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдо 2014 йил 24 ноябрь куни соат 12:00 да Қўнғирот тумани ҳокимияти мажлислар залида ўтказилади. Мазкур ер участкалари юқорида белгиланган савдо кунда сотилмаган тақдирда навбатдагиси 2014 йил 24 декабрь куни ўтказиладиган савдога қўйилади.

Савдо қолибига савдо кундан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини

имзолаш шартлари юклатилади.

Юқоридаги ер участкалари билан Қўнғирот тумани Архитектура бўлими вакиллари билан жойига бориб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9-00 дан 18-00 гача Нукус шаҳри А.Темур кўчаси № 22 уй 1-этаж № 1 хонада қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдо ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 16-00 да тўхтатилади. Аукцион савдода қатнашиш учун иштирокчи савдо ташкilotчиси ҳисобрақамига ихтиёрий турда консалтинг ва маслаҳат хизматлари учун қўшимча тўловлар тўланади, қатнашиш учун талабгорлар закат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг ер участкаси бошлангич баҳосининг 100 фоиз миқдоридagi закат пулини «Turkistan realtor group» МЧЖнинг ОАЖ «Асака банк» Қорақалпоғистон филиалидаги ҳисобрақамига (х/р 20208000904946163001, МФО 00625, ИНН 302148414) тўлашлари шарт.

Веб сайт: www.turkistanrg.uz

Телефон: (0-361) 222-00-80.

Лицензия: RR-0100.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган «ADJECTIVE LUCKY» МЧЖ Устав фондининг умумий миқдори 9 000 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача камайтирилишини маълум қилади. Давлолар +99894 635-50-00 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҲИда (реестр № 004047-01, 10.11.2010 й.) давлат рўйхатидан ўтган «ВАНДИР САВДО РИВОҶ» хусусий корхонаси (СТИР 301734224) таъсисчисининг 22.10.2014 й.даги 3-сонли қарорига асосан тугатилди. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент ш. Учтепа т. И.Иброҳимов кўч. 20-уйда қабул қилинади. Тел.: +99890 347-70-63.

Шайхонтоҳур т. ҳокимлиги ТСРҲИ томонидан (реестр № 09-01239, 08.09.2008 й.) рўйхатдан ўтган ХК «ВАНДИР-ВАХТ» (ИНН 201177399) Устав фонди 88 000 000 сўмдан 59 022 834 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: 242-13-77, 596-57-05.

Утеранный диплом К № 2713363 (рег. № 169) выданный в 2012 г. Ташкентским Финансово-экономическим колледжем на имя Мусаевой Согдианы Салаветхановны, считать недействительным.

Шайхонтоҳур т. Боғ кўч. 12 уй 4-хонадон учун Астанова Гузал Каримовна номига берилган уй лани ва кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утеранные круглую печать и угловой штамп ООО «НАҚ-ДО'СТ» (ИНН 201596660) Сергелийского р-на г. Ташкента, считать недействительными.

SOTILADI:

QOQ'OZ

OFSET 55,70. 80 gr.
ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.
MELOVANAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.
QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.
QOQ'OZ QORCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.

Shuningdek, QALIN QOQ'OZ

SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.
DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.

«ABSOLUTE BUSINESS TRADE» ХК
xizmat ko'rsatadi

Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan



+99895 194-00-14,

ПРОДАЁТСЯ:

БУМАГА

ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.
ЭТИКЕТНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.
МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.
УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.
МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.

А также, КАРТОН

ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.
ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.

Услуги оказывает:

ЧП «ABSOLUTE BUSINESS TRADE» Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

+99898 362-91-11

Тошкент Вилояти

КЎҲНА ГЎШАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛЛАРИ

МОЗИЙГА БИР НАЗАР

Пискент – нафақат Тошкент вилояти, балки Ўзбекистоннинг кўна гўшаларидан бири. Тарихий манбаларда биринчи асрга ва ундан аввалги даврларга тааллуқли маълумотлар келтирилган бўлиб, бу жой Бискат деб аталган. Унинг худудидаги Мингтепа, Дўнгқўрғон, Оқтепа, Келовчи ва бошқа тарихий номлар тез-тез тилга олинishi ҳам Пискентнинг қадимий аҳоли масканларидан эканлигини аниқлатади. Захириддин Мухаммад Бобур “Бобурнома” асарида сафдошлари билан Пискентга келганлиги ва Тошкент воҳасида маълум муддат бўлганини таъкидлаган. Ҳаётнинг қажраётганлигини қарангки, орадан тўрт ярим аср ўтганидан сўнг, Бобурнинг ўн бешинчи авлоди, яъни инглиз босқинчилари томонидан тутқун қилинган, ўғиллари, зурриётлари катл этилган Мухаммад Баҳодиршоҳнинг набираси Носириддин Мирзо оиласи 1930 йили Бухородан Тошкент вилоятига мажбурий кўчирилиб, шу ерда яшаб қолган. Бобур зурриётларининг бугунги кунгача етиб келиши тарихига назар ташласак, Баҳодиршоҳнинг олти ўшли ўғли Муъйиддин – Мир Ҳазорни таъқибдан сақлаб қолиш учун узок Қашмирга яширишганлиги, йигирма саккиз ўшида бир амаллаб Афғонистон орқали Бухоро хонлиги худудига ўтиб, жон сақлаганлиги, бу ерда кўпгина эзгу ишлар қилганлигини билиб оламиз. Унинг ўғли Носириддин Мирзо эса йигирманчи аср 30-йилларида мустабид тўзумнинг кўп жабр-жафоларини бошдан кечирди. Доимо келажакка умид билан яшайди. Унинг саккиз фарзандидан қирқ нафардан зиёд неваралар, эваралар ва чеваралар ҳозирги пайтда турли жойларда умргузаронлик қилишмоқда. Камрон Мирзо, Мухаммад Али, Аслиддин, Меҳридин, Аҳлиддин, Саодат, Бахтиёр, Шоҳиста, Муслима, Жамшид ва бошқалар ота-буваларига муносиб бўлишга интилоқдалар.

Пискентнинг кечаги ва бугунги кунги ҳақида фикр юритсак, шу заминдан кўплаб фидойи инсонлар, илм-фан намоёндалари, таниқли полвонлар, ўз касбининг усталари етишиб чиққанлигини ҳис этамиз. Истиқлол йилларида Пискент тумани тараққиётнинг ойдin йилидан шаҳдам қадам ташламоқда. Иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий жабҳаларда, спорт ва бошқа соҳаларда кўзга кўринарли муваффақиятлар кўлга киритилляпти. Энг асосийси, одамлар онг-шуури, дунёқарashi, фикрлашидаги эврилишлар кишини кувонтиради. Пискентликларнинг бутун диққат-эътибори мустақиллик кўлга киритилгандан кейинги даврда эришилаётган ютуқларни мустаҳкамлашга, юртимизни янада обод, турмушни фаровон қилишга қаратилган. Қўйда шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.

ИҚТИСОДИЁТ РАВНАКИ – ФАРОВОНЛИК НЕГИЗИ

– Иқтисодиёт тармоқлари – қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа соҳаларнинг ривожланиб, тарақ-

қий этиши – халқ турмуш фаровонлигини оширишнинг асоси ҳисобланади, – дейди Пискент тумани ҳокими Ислонжон Эргашхўжаев. – Бу фикрни чуқурроқ ифодаласак, яхши яшашимиз кўп жихатдан ҳар бир соҳада олиндиған даромадни, энг асосийси, кўриладиган фойда миқдорини кўпайтиришимизга боғлиқ. Бу эса меҳнат унмудорлигини, иш сифатини оширишни, сарф-харажатларни камайтиришни тақозо этади. Фермерлар, саноат ходимлари, бошқа жабҳаларнинг ишчи-хизматчилари худди шу тамойилларни ўз фаолиятларининг асоси қилиб олганлар.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда туман иқтисодиётида жадал ўсиш кўзга ташланмоқда. Масалан, етиштирилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 2010 йили 120,2 миллиард сўмни ташкил этганди. 2013 йил эса бу кўрсаткич 220,1 миллиард сўмдан ошди. Жумладан, 2010 йили 8461 тонна гўшт, 34616 тонна сўт, 22 миллион 294 дона тўхум етиштирилганди. 2013 йили гўшт – 10052 тонна, сўт – 40631 тоннага, тўхум – 31 миллион 768 миң донага етди. Асосий тармоқлар ҳисобланган пахтачилик ва галлачиликда кувончли натижаларга эришилмоқда. Чунончи, 2011 йилдаги 22,9 миң тонна пахта ўрнига 2013 йили 26,1 миң тонна, 23,4 миң тонна галла ўрнига 29,1 миң тонна сотилди. 2014 йилда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларида аввалги йилларга нисбатан 105-108 фоиз ўсишга эришилди.

Шундай савол туғилиши табиий: хўш, ўсиш суръатлари қандай омиллар ҳисобига ошмоқда? Маълумки, қишлоқ хўжалигида ҳар бир юмуш мақбул муддатда, сифатли адо этилиши алоҳида аҳамиятга эга. У ёки бу агротехник тадбирни бажариш беш-олти кунга кечикса, экин ривожини секинлаштиради. Бу ҳосил салмоғи ва сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, Пискент туманида кейинги уч-тўрт йил ичида ҳар бир ишни ўз вақтида, сифатли бажаришга эътибор кучайтирилмоқда. Мақсадга эришиш учун эса моддий ресурслар, техника воситалари етарли даражада бўлиши талаб этилади.

– Вазият чуқур ўрганилиб, таҳлил этилганда қишлоқ хўжалиги юмушларини бажаришда иштираётган техника воситалари ва агрегатлар таъминоти масаласида муаммолар борлиги маълум бўлди, – дейди биз билан суҳбатда туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Шуҳрат Иномжонов. – Шундан сўнг мавжуд барча техника воситалари қайта ҳисобдан ўтказилди. Эҳтиёт қисмлар етишмаслиги сабабли фойдаланилмаётган техника воситалари обдон таъмирланди ва сафга қўшилди. Бундан ташқари, замонавий тракторлар, комбайнларни сотиб олишни кўпайтириш масаласи кун тартибига қўйилди. Ана шу ва бошқа чоралар ҳисобига туманда ҳайвон тракторлари 2011 йил бошида 22 тани ташкил қилган бўлса, 2013 йил охирида 56 тага етказилди. Шу даврда агротехник тадбирларни ўтказишда фойдаланиладиган тракторлар 15 данадан 215 тага, сеялқалар –



42 данадан 92 тага, галла ўриш комбайнлари эса 10 данадан 26 тага кўпайтирилди. Бошқа техника воситалари миқдори ҳам икки-уч баробарга оширилди. Бу чоралар тўғрисида ҳар бир агротехник тадбирни мақбул муддатларда, сифатли бажариш имконияти яратилди.

ФЕРМЕР – МУЛҚДОР, ЭЛГА – МАДАДҚОР

Президентимиз томонидан доимо алоҳида таъкидланганидек, фермерлар мулқдор сифатида қишлоқнинг етакчи кучига айландилар. Мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Пискент туманида ҳам улар барча жабҳаларда эл-юрт қорига камарбаста бўлишляпти. Фермер хўжаликлари ҳозирги пайтда хомашё масаласи кун тартибига қўйилди. Ана шу ва бошқа чоралар ҳисобига туманда ҳайвон тракторлари 2011 йил бошида 22 тани ташкил қилган бўлса, 2013 йил охирида 56 тага етказилди. Шу даврда агротехник тадбирларни ўтказишда фойдаланиладиган тракторлар 15 данадан 215 тага, сеялқалар –

Раҳматхон Саипов ва хўжаликни ўз исми-шарифи билан атаган Исоқбой Дадамаатовларнинг номлари биринчилар қаторида тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Раҳматхон Саипов бошлиқ жамоанинг экин майдонлари асосан қир эрлар бўлишига қарамай маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш, пайкаллари яхшилаб текислаш, қондириб сугориш ва бошқа омиллар ҳисобига пахта, галла ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, бу йил 585 тонна галла етиштирилиб, 435 тоннаси давлатга сотилди, 150 тоннаси фермер хўжалиги ишчиларига тақсимланди. 300 тонна пахта сотилганлиги ҳам даромадни кўпайтиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

– Қир ерларни олтин заминга айлантиришимизга ака-ука Эухриддин, Ҳусниддин Деҳқонлов сингари моҳир механизаторлар, Маъмурхон Аҳмедов, Абдуҷамил Ирисбоев каби миробларнинг кўп меҳнати сингмоқда, – дейди фермер Раҳматхон Саипов. – Пахта, галла етиштиришни кўпайтириш билан бирга фермер хўжалигининг кўп тармоқли бўлиши чораларини кўрялмиш. Икки йил илгари ўн гектар олмазорга асос солгандик. Бу йил боғимиз ҳосилга кирди.

“Дадамаатов Исоқбой” фермер хўжалиги ҳосилдорликни ошириб боришда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда. Бу йил

230 тоннадан зиёд галла, 180 тоннадан ортиқ пахта етиштирилишида Бакир Абдумўминов, Жасур Дадамаатов, Сироҷиддин Давлатов сингари жамоа аъзоларининг улуши катта бўлди.

Фермерлик имкониятларини намоён этишда аёллар ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Ўттизга яқин фермер хўжалиги хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган бўлса, Сайёра Ҳожиева уларнинг пешқадамидир.

– Пахта ҳосилдорлигини 40 центнердан оширганларга имтиёзлар берилганлиги фермерларни гоят мамнун этмоқда, – дейди С.Ҳожиева. – 2013 йили шундай натижага эришдик ва имтиёзга эга бўлдик. 2014 йили фермер хўжалигимиз учун 5 гектар ерда сабзавот етиштириш имконияти яратилди. Юқори ҳосилдорлик даромадни, фойдани кўпайтиришга шароит туғдирди. Шунинг ҳисобидан оиламиз учун намунавий лойиҳадаги замонавий ўй сотиб олдик. 2014 йилда ютуқларни янада мустаҳкамлаб, намунали дала шийпони барпо этдик, боғдорчилик, чорвачилик тармоқларини ҳам ривожлантирялмиш.

Дарвоқе, асосий йўналиши чорва маҳсулотлари етиштириш бўлган фермер хўжаликлари ҳам дадил одим ташламоқдалар. Улар орасида “Зиёда” насличлик фермер хўжалиги фаолияти эътиборга ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда. Бу ерда Австрия, Чехиядан кел-

тирилган 400 бош зотдор қорамол бўқилиб, сўт етиштириш, насли буюқларни кўпайтириш билан шуғулланиляпти. Тўйимли рацион асосида парвартирилган сугилардан ўртача 25 литрда сўт соғиб олинади. Чорва парвартиришида Дурдона Қурбонова, Ўткир Маълонов, Суннатилла Маматкулов, Зулхумор Ирисметова сингари чорвадорлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

– Чорва озқаси учун 220 гектар ер ажратилгани ва бошқа кўпгина масалаларда яқиндан мадад бериб келинаётганлиги бизни руҳлантирмоқда, – дейди фермер Иброҳим Абдураҳмонов. – Ҳозирги пайтда молхонани кенгайтириш, янги биноларни ишга тушириш чораларини кўрялмиш. 2015 йил баҳорида хориждан яна 400 бош зотдор қорамолларни келтиришни олдимизга мақсад қилиб олганмиш.

“AZALEA GARMENT” – ЭНГ ЯХШИ ЭКСПОРТЧИ

Бугунги кунда пискентликларнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқалари хусусида сўз кетганда биринчи навбатда “AZALEA GARMENT” қўшма корхонаси тилга олинади. Илгари тумандан экспорт қилинадиган маҳсулотлар, уларни ишлаб чиқарадиган корхоналар бар-мақ сунта санарли эди. Кейинги йил-

ларда бу борада жиддий ўзгаришларга эришилляпти. Юқорида номи қайд этилган корхона шундай савий-ҳаракатларнинг маҳсули. 280 та янги иш ўрни яратилган, ходимларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этадиган бу корхонада трикотаж қийимлар тайёрланмоқда. Кўйидаги рақамлар иш ҳажми, самардорлиги ойма-ой ошиб бораётганлигини тасдиқлайди. 2013 йили 996,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилнинг саккиз ойида 1 миллиард 482 миллион сўмни ташкил этди.

– Фаолиятимиз самараси кўпроқ экспорт миқдорининг ошаётганлигида намоён бўлмоқда, – дейди қўшма корхона бош директори Зоҳиджон Наҳиддинов. – 2013 йили 470,3 миң АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинган. 2014 йилнинг саккиз ойида эса 3 миллион 206 миң АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Ҳамкорларимизни кўпайтириб, экспортни янада ошириб боришни кўзлаямиз.

“Ташаббус – 2014” кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида ушбу қўшма корхона “Энг яхши экспортчи” номинацияси бўйича рағбатлантирилганлиги ҳам жамоани янги меҳнат муваффақиятларига ундамоқда.

ДОВРУФ ТАРАТГАН “ДУРДОНА”

Туман марказидаги “Ёшлар боғи”да Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги шодоналарни авжга чиққан паллада саҳнада ўзбек миллий чолғу асбобларидан таралаётган мусика оҳангларига ҳамоҳанг равишда “Дурдона” дастаси раққосаларининг чиқиб келишини байрам иштирокчилари қарсақлар билан кутиб олишди. Ажойиб кўшиқнинг рақсга уйғунлашиб кетиши тадбирга шухуқ бағишлади. Пискентликлар Наврўз, Мустақиллик байрамлари, бошқа тадбирлар туман мусика ва санъат шайдо-лари иштирокида доимо шундай шодхурамлик билан ўтишига одатланиб қолшган.

Бошқа жойларда бўлгани каби Пискентда ҳам мусика ва санъатни ривожлантиришга, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Тумандаги 30-сонли болалар мусика ва санъат мактаби учун 2012 йили муҳташам бино қурилиб, фойдаланишга топширилгани, таълим-тарбия янги поғонага кўтарилгани фикримизнинг далилидир. Юқорида тилга олинган рақс дастаси малакали ўқитувчи Дурдона Муродова етакчилигида республика, вилоят миқёсидаги кўпгина кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаган. Мусика ва санъатнинг саккиз йўналиши бўйича 250 нафар ўғил-қиз таълим олаётган ушбу масканда фортепиано, хореография, бадий каштачилик, зардўзлик ва бошқа соҳаларда ҳам кўзга кўринарли натижаларга эришилмоқда. Эъзоза Иноғомова, Муъссар Мухаммадҷонова, Диёр Дўстов ва бошқа иқтидорли ёшлар малакали мураббийлардан санъат сирларини ўрганмоқдалар.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС

...Тўйчи полвон, Нуриддин полвон, Олим полвон, ака-ука Халил ва Ҳаким Бегмаатовлар. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Улар Пискент заминининг машҳур полвонлари бўлиб, кўп йиллар давомида туман, вилоят, республика ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, эл-юртга танилган. Тоҳир Бекқов, Эркин Мусаев, Шерали Турсунов, Музаффар Аҳоров ва бошқалар уларнинг муносиб ворислари эканликларини исботлашди. Пискент тумани кубоги учун белбоғли кураш бўйича республика мусобақаси аънаваний тарзда ўтказиб келинаётганлиги бежиз эмас. 2014 йилги беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятларидан 132 нафар полвон, Ўзбекистон белбоғли кураш Федерацияси раҳбарлари ва ҳакамлари иштирок этишганлиги мусобақа нуфузини янада оширди. Юз килограммдан ошқ вазнда пискентлик полвон Голиб Аҳмедов энг ўсмир ўринга кўтарилди. У ва совринли ўринни эгаллаган бошқа полвонлар медаллар, мукофотлар билан тақдирландилар.

Мамлакатимизда жисмоний тарбияни оммавийлаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган “Отан, онам ва мен – спортчи оила” шиори остидаги кенг миқёсли тадбирда ҳам пискентликлар фаол қатнашшмоқда. “Майлобод” маҳалла фуқаролар йиғини худудида ишочи Бахтиёр Абдуллоев, умр йўлдоши ва икки ўғли бу мусобақанин туман, вилоят ва республика босқичларида кетма-кет голиб чиқиб, барчани қойил қолдиришди.

Тумандан ўнлаб, юзлаб таниқли спортчиларнинг етишиб чиққанлиги кўпгина омиллар билан изоҳланади. Шулардан бири тумандаги 14-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг моддий-техника негизини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги, моҳир мураббийларнинг жонқурялиги, 2012 йили ушбу маскан учун ҳар томонлама қулай ва замонавий янги бино қуриб берилганлиги. Бу ерда спортнинг ўндан зиёд тури билан миң нафардан ортиқ ўғил-қизлар шуғулланишмоқда. Ушбу мактабда тарбия топганларнинг иқтидорлилари бугунги кунда Тошкент, Чирчиқ, Фарғонадаги Олимпия заҳиралари коллежларида ўқишмоқда. Улардан бири – юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган Жасур Ортиқбоевдир. У ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида совринли ўринни эгаллади. Пискентликлар шундай ўғиллари билан ҳақиқи равишда фахрландилар. Зеро, Пискентдан Ўрта Осиёда бадийчи бўлиб шамъат бўйича халқаро гроссмейстер шарафига муъссар бўлган Георгий Аъзамов ва бошқа кўплаб номдор инсонлар етишиб чиққан. Халқимиз “Оққан дарё – оқмай қолмас”, дея бежиз айтмаган. Бугун жўшиб оқаётган бу дарё ўз йўлида кўплаб истеъодларни кашф этиши, яратишига ишонамиз.

Раҳимжон ОРИПОВ,
Суннат САЙДАЛИЕВ.



Хоразм Вилояти



Диёримиздаги қадимий маҳобатли қалъалар, йирик суғориш иншоотлари, меъморий обидаларда халқимизнинг юксак тафаккури, илму шуури, заҳматли меҳнати мужассам.

Қадимшунос олимлар Хоразмнинг кўҳна ёдгорликлари қаторида Қалъажик қалъасини ҳам алоҳида тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки унинг бизгача етиб келган деворлари бу ерда бир неча минг йиллар муқаддам маданият гуркираб ривожлангани, бошқа давлатлар билан мунтазам савдо-сотиқ йўлга қўйилгани, бозорлар тўқин, ҳаёт обод бўлганидан шохидлик беради.

Боғот туманидаги энг қадимий осори атиқалардан бири бўлган бу тарихий обида халқ орасида Довудқалъа деб ҳам юритилади. Ёдгорлик эрампиздан олдинги V асрга тааллуқли экани тахмин қилинади.

Қадимшунос ва тилшунос олимларнинг фикрларига қараганда, Қалъажик қалъаси ўтмишда Кардаронхос деб юритилган. Бу ном "Хунармандлар шаҳри" деган маънони англатган. Шаҳарда асосан темирчилик, қурол-аслаҳа яшаш жуда ривожланган.

Кардаронхос Хоразмнинг шарқида Хазораспдан кейин жойлашган истеҳком бўлиб, минг йиллар давомида босқинчилар ҳужумига дучор бўлганлиги сабабли аҳолиси турли томонларга кетиб қолган, натижада қалъа харобага айланган. Шундан сўнг у Қалъажик, яъни Кичик қалъа деб аталган.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани натижасида нодир маданий-тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, қайта тикланмоқда. Кўплаб обидалар сайёҳлик йўналишларида киритилмоқда. Жумладан, Қалъажик қалъаси атрофи ҳам ободонлаштирилиб, уни сайёҳлар томоша қиладиган, аҳоли дам оладиган манзиллардан бирига айлантирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу ерда 125 минг АҚШ доллари миқдорида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, замонавий типдаги 10 хонадан иборат соғломлаштириш ва дам олиш биноси қурилди. Хоналарда ер тагидан чиққан тузли шифобахш сув ва йилнинг барча

фаслларида кум билан даволаш учун имкониятлар яратилди. Ёзги дам олиш шийпонлари қурилиб, йўлакларга тош ва брусчаткалар ётқизилди.

Ўтган йилнинг 24-27 ноябрь кунлари Париж шаҳрида ўтказилган "TOPREZA – 2013" халқаро туристик ярмаркасида тақдимот ўтказдик, – дейди Қалъажик қалъаси туристик объектида ташкил этилган "Собир мироб тур" масъулияти чекланган жамияти ходими Матрасул Собиров. – Хорижликларнинг кўп йиллик тарихимиз, маданий меросимизга бўлган қизиқишини кўриб, фаолиятимизни янги хизмат турлари билан бойитиш истаги туғилди.

Ҳақиқатан ҳам янги мазкур туристик масканга қизиқувчилар сони ошиб бормоқда. Масканда сайёҳатчилар учун барча шароитлар яратилган. Мавсумда 20 та уй дам олувчилар хизматида бўлди. Ҳар бири 15-20 нафар мижозга мўлжалланган бу уйлар табиий газ, электр нури, ичимлик суви, совиткичлар билан таъминланган. Ювенил хоналари ҳам уй ичида бўлиб, хорижлик сайёҳлар дидига мос замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоиқ, бу ернинг суви, балчиғи ва қуми бел ва оёқ-қўллар оғриғи, нафас йўллари ва бошқа касалликларга шифо саналади.

Бир томони бепоён Қорақумга таш, атрофлари қўл, турли хил довдарахтларга бой, шовқин-сурондан йироқ бу жой экотуризмни ривожлантиришга, янги сайёҳлик йўналишларини янада кенгайтиришга имкон яратади, – дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Хоразм вилояти минтақавий

бўлими раҳбари Одилбек Раҳимов. – Келгуси йилда лойиҳа қиймати 1350 минг АҚШ долларига тенг бўлган Қалъажик қалъаси мажмуасига олиб борувчи маҳаллий аҳамиятга эга 9 километрлик масофадаги йўлнинг капитал таъмирлаш, шунингдек, қалъа деворларини таъмирлаш бўйича 70 минг АҚШ долларлик ишлар бажарилиши режалаштирилган.

Сайёҳлар атрофни сайр қилишлари учун усталаримиз томонидан қадимий услубда ясалган, нақшлар билан безатирилган арава, якка тартибда минишлари учун эгар-жабдуқлари, миллий услубда тузатирилган 6 та от ва 1 та туя ҳамisha хизматда.

Фаолиятимизни яқинда бошлаганимизга қарамай, бу ердан сайёҳларнинг қадами узилмайди, – дейди жамият иш юритувчиси Ҳасанбой Собиров. – Республикаимизнинг барча вилоятлари, Туркменистондан, шунингдек, Германия, Франция, Италия каби мамлакатлардан кўплаб сайёҳлар меҳмонимиз бўлди. Уларнинг кўпчилиги воҳага хос миллий таомлардан палов, тухумбарак, қайнатма шўрва, қовурилган балиқни хуш кўриб тановул қилишди. Олма, узум, нок, қовун-тарвузларнинг мазасидан, табиатимизнинг бетакрор гўзаллигидан ҳайратга тушишди.

Биз сайёҳларни экологик тоза мева ва сабзавотлар, турли зиравор кўкатлар, балиқ, гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида хўжалигимизни кўп тармоқлиликка айлантирдик, – дейди "Бекзод" фермер хўжалиги раҳбари Рўздат Сапаров. – Балиқ ўзимизга қарашли қўлларда ва махсус ҳовузларда етиштирилади. Чорвачилик ферма-мизда 100 бошдан ошиқ кўй-эчкилар, қорамоллар бор. Ўзимизнинг боғда етиштирилган мевалар ва полиз маҳсулотларидан фойдаланамиз. Янги узилган чиройли мева ва узумлар, қовун-тарвузлар дастурхонга кўрк бағишлайди.

Абдулла АХМЕДОВ,
шарқшунос олим, доцент.
Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

«101» ОГОҲЛАНТИРАДИ

ҚЎЛБОЛА УСКУНАЛАР КЎП БАЛО КЕЛТИРАДИ

Куз мавсуми бошланиб, ҳаво совимоқда. Бу жараёнда кузқиш мавсумига тайёргарлик кўрмаган кишилар шошиб қолиши табиий. Шундай шароитда кўпчилик қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланишни маъқул кўради.

Аммо... Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳаси ходимлари тажрибасидан маълумки, фуқароларимиз ўзлари ясаган қўлбола газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафа-

қат уйларида, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шу боис, яна бир бора таъкидлаш жоизки, фуқаролар очик алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чо-

раларини кўриши, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиши, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик, белгиланган жойларда чекиш каби қоидаларга риоя қилсалар, мол-мулки ва уй-жойини, қолаверса, ўзини ҳамда яқин кишилари ҳаётини асраб қолган бўлади.

Султон ГАНИЕВ,
12-ҲЕҲО 3-АП кичик инспектори, сержант.

ПАРАОСИЁ - 2014



INCHON 2014
ASIAN PARA GAMES

ПАРАОСИЁЧИЛАРИМИЗНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

Аввал хабар қилганимиздек, Инчонда бўлиб ўтаётган ПараОсиё ўйинлари қизгин баҳсга айланмоқда. Унда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимиз зафарли одимлаб, медаллар шодасини юртимиз делегацияси ҳисобига ёзиб қўйишда давом этмоқда.

Хусусан, дзюдо кураши бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам-юртларимиз Шухрат Бобоев 90 килограммгача ҳамда Одил Тулендибоев 100 килограммдан ортиқ вазнларда барча рақибларидан устун келиб, олтин медалларини қўлга киритишди. Жумладан, Шухрат Бобоев чорак финалда Эрон вакилини, ярим финалда эса мўғилистонлик спорт устасини енган бўлса, ҳал қилувчи финал баҳсида дзюдо ватани вакили Арамицу Китазонони муддатдан аввал мағлубиятга учратди. Оғир вазндаги полвонлар беллашувда жаҳон чемпиони Одил Тулендибоев ҳам тенгсиз полвон эканлигини амалда яна бир бор исботлади. У чорак финалда Таиланд вакилини енган бўлса, ярим финал баҳсида япониялик Кенто Мосакени устидан ғалабага эришди. Олтин медаль учун кечган мусобақада эронлик Ҳамза Надрини 19 сонияда мағлуб этди.

Шунингдек, дзюдо кураши бўйича ўтказилган баҳсларда Гулруҳ Раҳимова 70 килограммгача вазнда кумуш медални ўз ҳисобига ёзган бўлса, 100 килограммгача вазнда кечган беллашувда эса Ширин Шарипов бронза медалига сазовор бўлди.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирда делегациямиз ҳисобида **18 та олтин, 3 та кумуш** ҳамда **2 та бронза** медаллари мавжуд. Айти пайта умумжамоа ҳисобида вакилларимиз **4-ўрин**да боришпти.

Жалолiddин ЭШНИЁЗОВ

"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси "Чирчиқ-гўштсавдо" МЧЖ улгуржи савдо базаси раҳбари Нурилла Каримовга акаси, собиқ савдо фаҳрийси **Хайрулла КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агроекономика таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдижаҳон ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУҲБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99891) 332-00-88; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама
ва
эълонлар:

236-26-50,

233-28-04.



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир:

Ж.ЭШНИЁЗОВ

Мусаҳҳих:

Н.РАИМҚУЛОВА

Дизайнер:

Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1019, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.05
16097 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5